

# Жалқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 4 февраль, № 24 (4939)

Пайшанба

## ЗИЁ ВА ЗАКОВАТ МАСКАНИ

Интеллектуал салоҳият мужассамлашган ахборот-кутубхона марказлари ана шундай таърифланмоқда.



Бугун юртимизда ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳият, кенг дунёқараш соҳиби бўлиб камол топиши, замонавий асосда пухта билим олиши учун барча зарур шароитлар муҳайё қилинмоқда. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар бунинг ёрқин ифодасидир.

### Қарор ва ижро

Хусусан, ўқув масканларида компьютер, интернет сингари замонавий имкониятлар яратилганлиги, ахборот ва электрон кутубхона тизимининг тобора такомиллашиб бораётгани натижасида илмга чанқоқ ёшлар учун энг камб адабиётларнинг ҳам электрон нусхалари яратилмоқда. Бу эса китобхоналар, хусусан, келажак сари дадил интилаётган изланувчан йигит-қизлар учун, энг аввало, маънавий эҳтиёжни қондириш, қолаверса, илмий тадқиқот олиб бориш, янгилик яратиш, бугунги шиддаткор замонада рўй бераётган ўзгаришлар хусусида кенг тушунча ва тасаввурга эга бўлиш имконини берапти.

Юртбошимизнинг 2006 йилда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш белгиланган эди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосида ўқув масканлари қошида энг сўнгги техник қулайликлар билан таъминланган ахборот-ресурс марказлари, шаҳар ва туман марказларида янги ҳамда зарурий маълумотлар базаси жамланган ахборот-кутубхона марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми 4-бетда).

## «ЎЗБЕКИСТОН - ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ФАОЛ ШЕРИК»

Мисрнинг «Асия ал-Вуста» агентлиги электрон нашрида ана шундай сарлавҳали мақола чоп этилди.

Унда муаллиф Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)нинг барча аъзо давлатларида изчил ва барқарор иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш ва турмуш даражасини юксалтиришга кўмак берадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида мазкур ташкилот қузатувчи

ўтган. Аини пайтда ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида Ўзбекистон резидентлари иштирокида 519 та корхона ташкил этилган.

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил июнь ойидан бошлаб Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилаётгани алоҳида таъкидланади. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналиши савдо-иқтисодий ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлиқни, шунингдек, ШҲТ минтақаси транспорт ва коммуникация салоҳиятини равнақ топтириш саналади. Ушбу соҳаларда кооперацияни ривожлантириш чоралари ШҲТнинг Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш бўйича тадбирлар режасида ўз аксини топган.

ШҲТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенгаши томонидан 2008 йил 30 октябрда тасдиқланган мазкур ҳужжат 85 та лойиҳа ва тадбирни ўз ичига олган. Жумладан, Тадбирлар режасида савдо ва сармоيارлар, молия ва солиқлар, табиий бойликлардан фойдаланиш ва аэро-муҳитни муҳофаза қилиш, бохжона ишлари, транспорт, илм-фан ва янги технологиялар, агросаноат мажмуаси, ахборот ва телекоммуникация технологиялари каби асосий йўналишлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

«Жаҳон» АА Коҳира

ШҲТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенгаши томонидан 2008 йил 30 октябрда тасдиқланган мазкур ҳужжат 85 та лойиҳа ва тадбирни ўз ичига олган. Жумладан, Тадбирлар режасида савдо ва сармоيارлар, молия ва солиқлар, табиий бойликлардан фойдаланиш ва аэро-муҳитни муҳофаза қилиш, бохжона ишлари, транспорт, илм-фан ва янги технологиялар, агросаноат мажмуаси, ахборот ва телекоммуникация технологиялари каби асосий йўналишлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

«Жаҳон» АА Коҳира

## «NEXIA» ВА «MATIZ» ЭНГ ХАРИДОРГИР АВТОМОБИЛЛАР РЎЙХАТИДА

Ўзбек автомобиллари энг харидорғир машиналар қаторидаги ўрнини мустаҳкам сақлаб келмоқда.

Европа бизнеси ассоциациясининг автомобиль ишлаб чиқарувчилар кўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Nexia» ва «Matiz» 2009 йилда Россиядаги энг харидорғир автомобиллар қаторида қайд этилган.

Президентимиз Исроом Каримов ташаббуси билан юртимизда 1996 йилда автомобиль саноатида асос солинди. Марказий Осиёда ягона бўлган Асака автомобиль заводида энг замонавий стандартларга жавоб берадиган, қўлай, хавфсиз, ишончли ва тежамкорлиги билан дунё бўйича рақобатлаша оладиган энгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди.

(Давоми 2-бетда).

## ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари-га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқдик.

Ватанимиз равнақи, унинг ёруғ истиқболи, турмуш фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, эришилган муваффақиятлар қалбларимизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади, албатта. Президентимизнинг "Эртанги кунимиз учун, болаларимиз, фарзандларимизнинг бахти

### Дил сўзи

гит-қизларимиз ёшликка хос гайрат-шижоат кўрсатаётганидан чексиз фахрланамиз. Туманимизда 10 та касб-ҳунар коллежи, битта академик лицей, 4 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 64 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Уларнинг қўшқаватли аjoyиб бинолари истиқлол йилларида қуриб битказилди. Кўплари мукам-ушун меҳнат қилиш, фидойилик кўрсатиш — бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир", деган сўзлари биз, соҳа ходимларининг, устоз-мураббийларнинг юрак тубидан, айниқса, чуқур жой олди.

Бейхитёр ёшлик йилларини эслаймак. Биз шогирдларимизга ўхшаб мухташам биноларда ўқимаганмиз. Компьютер у ёқда турсин, оддийгина лингафон, калькулятор нимаалигиния билмаганмиз, ўқиш хоналаримиз тор, зах эди. Биология, физика, кимё фанлари бўйича амалиётларни ўша хоналарда ўтишга мажбур бўлардик. Титилиб кетган ягона футбол тўпи кўлма-кўл бўлгучи эди. Бугунги авлод эса Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бекиёс ғамхўрликлардан баҳраманддир. Улар кўркам қошоналарда, кенг ва чароғон синф хоналарида билим олмақда. Компьютер билан тиллашмоқда, хорижий тилларни мукамал ўрганишга интиломда. Уларнинг фикр-мулоҳазалари, дунёқараш, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати хавасингизни келтиради. Ахир биз шундай кунларни орзу қилган эдик.

Истиқлол иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини намойиш қилишлари, билим ва тажрибаларини ишга солишлари учун имконият эшикларини кенг очиб берди. Бугунги навқирон авлод турли халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли ижодий давраларда барчани ҳайратга солаётгани, ёш спортчиларимиз шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилаётгани, халқ ҳўжалигининг турли жаҳаларида йи-

Қамолиддин ҒОҒУРОВ, Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослашган мактаб-интернат директори, «Эл-юрт хўрмати» ордени соҳиби.

## Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади.

Исроом КАРИМОВ.

Соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишда спортнинг ўрни бекиёс. Буни мустақиллик йилларида Президентимиз бошчилигида ушбу соҳага қаратилган эътибор самаралари яққол кўрсатиб турибди. Бугун йигит-қизларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги спорт мусобақаларида, балки кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқдалар. Уларнинг шарафига давлатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграганда, барчамизнинг кўнглимиз чексиз гурурга, фахру ифтихорга тўлаёттир.

ҳотлар халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилиб, эндиликда Ўзбекистон тажрибаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, десак, асло муболага бўлмайди. Хусусан, Юртбошимиз раҳнамолигида қабул қилинган Кадрлар тай-

### Фахр

лабаларининг "Универсиада" спорт ўйинлари ўғил-қизларимизни янги марралар сари етакловчи бетақдор беллашувларга айланди. Мазкур мусобақаларнинг дастлабки босқичидаёқ минг-минглаб ёшлар спорт борасида ўз имкониятларини синаб кўрадилар. Аввало, шу орқали улар ўртасида спортнинг оммавийлиги ошади. Рақиб ўзидан кўчлироқ эканини сезган ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланишга эҳтиёжи борлигини англайди ва бунга астойдил киришади. Қолаверса, бундай бахслар ёшлар орасида соғлом рақобатни ҳам юзага келтиради. Яъни навбатдаги босқичларга ўтгани сайин қучли рақибларга дўч келиши уларни янада жиҳдийроқ машғуллар олиб боришга ундайди.

(Давоми 4-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### Ҳамкорлик натижаси

#### Кўргазмадан - шартномага

НАМАНГАН. Вилоят марказидаги "Пахлавон" спорт мажмуасида маҳаллий ишловчиларнинг халқ истеъмоли моллари ярмарка-савдоси бўлиб ўтди.

Унда 108 та саноат корхонаси ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан иштирок этиди.

Тадбир якунига кўра, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улгурчи ва чакана савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар билан умумий қиймати 10 миллиард сўмликдан зиёд олди-сотди шартномаси имзоладилар.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВОЙ. Лойиҳа қиймати 300 минг АҚШ доллариллик "Кармана гипсокартон" Ўзбекистон — Канада қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Лекин бу ерда замонавий минг квадрат метр юқори сифатли гипсокартон ишлаб чиқарилди.

Этиборлиси, 70 киши меҳ-

нат қилаётган мазкур корхона нафақат вилоят, балки мамлакатимиздаги турли қурилиш ташкилотларига ҳам сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Нукуслик тадбиркор М. Тангриберганов банкдан олган 50 миллион сўмлик кредити эвазига уй-рўзгор буюмлари ҳамда замонавий мебеллар ишлаб чиқариш цехини ишга туширди.

Хорижникидан қолишмайди

У раҳбарлик қилаётган "Муродбек мебель" корхонасида маҳаллий хом ашёдан буюртма асосида ойига 20 миллион сўмлик сифатли маҳсулот тайёрланмоқда.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

#### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### 20 миллион сўмлик хайрия

БУХОРО. "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлими Бухоро шаҳридаги 123-максус мактаб-интернатда хайрия акциясини ўтказди.

Тадбир доирасида мазкур таълим даргоҳига 6 та компьютер, 8 та тикув машиниси ҳамда дурадгорлик устaxonаси учун ўн турдаги зарурий жиҳозлар ҳадя этилди. Шунингдек, заиф эшитувчи қирқ нафар ўғил-қизга эшитиш мосламалари берилди. Бу мақсадлар учун 20 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

И. ИБРОҒИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## САНОАТИМИЗ РИВОЖИНИНГ БАРҚАРОР СУРЪАТЛАРИ

2009 йил мобайнида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 9 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини, биринчи галда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пайсатириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобига таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилганлиги тўғрисида шундай юқори ўсишга эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ





